

Үринда ётарканмиз, у деразани ёпиш учун хонага кирди, кўзимга касалдек кўринди.

Юзлари бўздай оппок, огрикнинг зўрлигидан базур харакат килар, калтирарди.

— Нима бўлди, тойчок?

— Бошим огрияпти.

— Бориб ёт.

— Йўк. Тузукман.

— Жойингга бориб ёт. Хозир кийиниб, олдингга тушаман.

Мен пастга тушганимда у кийиниб ўчок ёнида ўтирас-ди. Тўккиз яшар мургакнинг рангида ранг йўк эди. Пешонасига кўлимни кўйиб, харорати борлигини бил-дим.

— Кириб ёт,— дедим унга.

— Касалсан.

— Тузукман,— деди у.

Кўп ўтмай доктор келди, боланинг иситмасини ўлчади.

— Канча?— деб сўрадим ундан.

— Хаддан ортиқ баланд... Бир юзу икки.

Доктор кўрсатма бериб, уч хил дори колдирди, Болани тумов деб айтди, ўтиб кетади, харорати у кадар хавотирли эмас деди. Хонамга кайтиб, боланинг харо-ратини ёзиб кўйдим-да, дори берилган вактни белгила-дим.

— Бирон нарса ўкиб берайми?

— Майли. Агар хохласангиз,— деди бола.

Унинг юзи.оппок кўзлари киртайиб кетганди. Тўшакка михланиб хаёл суради, холос. Мен Ховард Пайлнинг «Денгиз карокчилари хакида достон»идан энг кизик хикояни ўкиб бердим, бирок унинг бунга мутлако эъти-борсизлиги сезилиб туради.

— Калайсан, тойчок? — деб сўрадим ундан.

— Хамишагидек,— дея жавоб берди у.

Мен унинг оёқ томонига чўкиб, кейинги дори бериш вактига кадар китоб ўкидим. Ухлаб колар, деб ўйловдим, кайдам — каравот оёгига тикилиб, жимгина ётиб-ди.

— Нега ухламаяпсан? Дори ичиладиган пайт ўзим уйготаман.

— Ухламаганим яхши... Сиз кетаверинг, дада... агар малол келаётган бўлса...

— Йўг-э, нима деяпсан, ўглим.

— Ха, англашимча... агар малол келса... ёнимда турмайсиз...

Эҳтимол, у алахсираётгандир, деб ўйладим ва соат ўн бирда бериладиган дорисини ичириб, ташкарига чикдим.

Бола хонасига хеч кимни киритмаяпти, деб айтишди.

— Кирманг, касали юкиши мумкин,— дейишди. Мен ичкарига кириб, аста каравотга якинлашдим.

Унинг ковоги иситмадан пир-пир учар, хануз кўзи каравот оёгига эди. Хароратини ўлчадим.

— Канча?— деб сўради у.

— Анча тушибди.

— Демак, нажот йўк...— дея хўрсинди у.

— Ким шундай деди? Хароратинг жойида... Кўркинчли жойи йўк.

— Кўркаётганим йўк,— деди у,— лекин... ўйлаганим сари...

— Ўйлама.

— Бўлмаяпти-да,— деди у ва менга кадалди. У нимадандир каттик сикиларди.

— Мановини сув билан ич.

— Фойдаси бормикан?

— Албатта-да, фойдаси бор.

Ўтириб, яна «Карокчилар»ни ўкий бошладим, лекин унинг кулок солмаётганини кўриб тўхтадим.

— Мен качон ўламан, ота?— деб сўради у.

— Нима?!

— Мен качон ўламан?

— Сен... ўлмайсан... Нима бўлди ўзи сенга?

— Менгами? Унинг: «Хаддан ортиқ баланд», деганини эшитдим...

— Одамлар кирк даража иситмага чидайди-ку. Ахмокона хаёлларни кўй.

— Мен биламан ўлишимни, Фарангистондалигимиз-да мактабдош болалар менга кирк тўрт даража харорат билан яшолмайсан, деб айтишган. Меники — бир юзу икки. У тун бўйи, хатто эрталабки соат тўккизгача ўзининг ўлимини кутиб ётган экан.

— Ай, тойчогим-а,— дедим мен.— Сен ўлмайсан. Ахир ўлчагичлар хар хил бўлади-ку. Худди миля билан километрдек. У ўлчагичда ўттиз етти даража бинои харорат хисобланади, бунда эса тўксон саккиз даража.

— Ростдан-а?— деди у хайратланиб.

— Хаккаст рост. Ўйлаб кўр, машинада ўн етти миля юрсак, канча километр бўлади?

— Ха...

У бўлак каравот оёгига тикилиб хўрсинмай кўйди. Юзига хам ранг киргандек бўлди. Кейинги куни эса арзимас нарсани кўнглига олиб, хархаша килди...

Ўрок РАВШАНОВ таржимаси